ИЖТИМОИЙ – СИЁСИЙ ГАЗЕТА

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК

1925 йилдан чиқа бошлаган

Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 14 август. Чоршанба. № 56 (14354)

УМИДИМИЗ СЕНДАН, ЖАМҒАРМА

Республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ҳамда матбуот нашрига эга бўлган вазирликлар, идоралар вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган таъсис конференциясида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланувчи янги ижтимоий фонд ташкил этилди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири А. Мелибоев ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий кўрсатувлар дирекциясининг директори, таниқли адиб ва мунаққид Аҳмад Аъзам фонднинг раисдошлари, матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқарувининг раиси Рузимат Сафоев бош директори этиб сайланди.

Шу муносабат билан газетхонларнинг ушбу воқеага муносабатини сўрадик:

— Ўзбекистон матбуотида ҳал этилмаган муаммолар тўпланиб қолган эди, — деди конференция иштирокчиси, Андижон вилояти ҳокимлигининг мутахассиси А. Султонов. — Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида тузилган матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғармага журналистлар катта умид боғлаган эдилар. Аммо у давлат томонидан ажратилган дотация маблағларини нашрлар ўртасида тақсимлаб беришдан нарига ўтмади. Таҳририятларни янги шароитларда ишлашга ўргата олмади, ўзи ҳам даврга мос фаолият кўрсатмади. Журналистлар уюшмаси ҳам бирор тадбир ўтказадиган бўлса ҳомий излаб қолар эди. Бу икки ташкилотнинг ягона фонд атрофида бирлашиши, республикадаги қуплаб иқтисодий жиҳатдан бақувват вазирликлар ва идораларнинг унга ҳомий бўлиши матбуот ходимларини ижтимоий, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшишига умид қиламиз.

— Мен фонднинг устави билан танишиб чиқдим, — деди Наманган вилояти «Поп тонги» газетаси муҳаррири Б. Турдиев. — Биз оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳам маънавий ҳам иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириб турадиган, давлатга тегишли бўлмаган шундай ташкилотга муҳтож эдик. Шояд, мазкур фонд журналистларни бир-бирларига янада жипслаштириб, уларнинг дилдан суҳбатлашадиган, лозим бўлганда зарур маслаҳат ва кўмак оладиган маскани бўлиб қолса...

Сўнгги саволни меҳнат фахрийси А. Неъматовга бердик:

— Фонд тузилгани билан журналистларни табриклайман. Аммо республикада чиқадиган газеталар бир-бирига жуда ўхшаш, эгизакка ўхшайди. Ажаб эмас, матбуотда демократлаштириш жараёни тезлашиб, озод Ўзбекистонга, халқига мос, ҳақиқий мустақил давлатнинг мустақил матбуоти юзага келса.

А. ҚОДИРОВ.

Мустақиллик менинг тақдиримда

НУРЛИ КЕЛАЖАК

ОСТОНАСИДАГИ ЎЙЛАР

Истиқлол байрами бўсағасида юртимизнинг барча жойларида бунёдкорлик, ободончилик, яшнатиш ишлари янада авж олди. Халқимиз руҳиятидаги кўтаринкилик, ҳурсандчилик туйғуларини ҳеч ким ва ҳеч нарса ўзгартиролмайдиган даражадаги ишончга эга. Айниқса ёшларнинг ёниб турган гулгун чеҳраларини айтмайсизми. Аслида байрамларнинг ўзи кўнглимизга ёруғлик, яшариш ва шодлик нурларини олиб киради. Тенгқурларимизни суҳбатга тортдик:

Лайлю Воҳидова, бўлғуси шифокор, 23 ёш:

— Республикамиз мустақилликка эришгач, халқимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Истиқлол туфайли жаҳонга йўл очилди, қадимий удумларимиз ва миллий урф-одатларимиз қайта шаклланиб, турмуш маданияти юксалиб бормоқда. Маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлоднинг келажакда бақувват, баркамол инсон бўлиб вояга етишини кўзлаб ҳукуматимизнинг «Соғлом авлод учун» ордeнининг таъсис этганлиги бўлғуси врач сифатида менда ифтихор, шунинглек, ўз касбимга янада масъулият туйғуларини уйғотди. Мустақил Ўзбекистон, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, келажаги буюк давлат. Бундай давлатни эса ҳар томонлама етук, баркамол авлодгина яратади.

Улуғбек Раҳматов, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг талабаси: 20 ёш:

— Аввалам бор шуни айтиб ўтишим керакки мен таҳсил олаётган илм даргоҳининг ташкил этилиши том маънода мустақилликнинг самарасидир. Қолаверса, биз ёшлар иқтисодиёт, халқаро иқтисодий алоқалар, халқаро ҳуқуқ каби соҳаларнинг туб моҳиятини англаб етмоқдамиз. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафидан тобора мустаҳкам ўрин олаётган бир пайтда бунинг аҳамиятини бениҳоя катта деб биламан. Биз эса хорижий тилларни ўрганиб, илмнинг юқори чўққиларини эгаллаш билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Шуҳрат Қаюмов, Ўзбекистон телевидениесининг диктори, 27 ёш:

— Ўзбекистон мустақил бўлганига, истиқлолга эришганига ҳам беш йил тўлибди! Ана шу истиқлол шарофати билангина ўзбек халқининг санъатда эришган ютуқлари хорижий давлатларда намоён бўлмоқда. Ўзларининг жозибадор, гўзал ижроси билан ҳоҳ у қадимий мумтоз мусиқамиз бўлсин, ҳоҳ жаҳон мусиқа санъатининг дурдона асарлари бўлсин ижрочиларимизнинг ёшу қариси Ўзбекистон довруғини жаҳонга таратмоқда.

Шу ўринда юртимиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг эълон қилиниши халқимиз дилидаги гап бўлди. Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилган танловда ижро этган «Ватан қўшиғи» (М. Юсуф шеъри, муаллиф мусиқаси) биринчи мукофотга лойиқ деб топилди. Истиқлолнинг қутли пой қадами шу бўлса керак-да!

Бобур Исломов, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг талабаси, 18 ёш:

— Мустақил Ўзбекистонимизни жаҳон танимоқда. Ўз ўрнида биз талабалар ҳам дунёнинг энг тараққий этган давлатларида билим олиш имкониятига эга бўлдик. Бундан бир йил аввал тест синовидан муваффақиятли ўтиб талабалар сафига қўшилган эдим.

Ҳаётимизни янгилашда, замон талабига жавоб берадиган бозор иқтисодиётига ўтишда, халқимиз учун фаровон келажак, адолатли жамият андозаларини яратишда сезиларли қадам қўйилди. Биз ёшлар эса истиқлолга муносиб фарзанд бўлиб етишмоғимиз керак.

Назокат УСМОНОВА, ёзиб олди.

Биз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда тотувлик ва осойишталикка эришишни ўз олдимизга энг олий мақсад қилиб қўйган эдик. Чунки, халқ билан тил топмасдан бу кунларга етишиш қийин бўларди. Бизнинг ютуғимиз шундаки, қийинчиликлар вақтинча эканини тушунадиган, чидамли, ақлли, катта-катта ишларга қурби етадиган халқимиз бор. Бундай халқ билан ҳамма эзгу мақсадларга эришмоқ мумкин.

Ислом КАРИМОВ.

Газета саҳифаларини варақлаганда ёнуқ бундан беш йил муқаддам

ИСТИҚЛОЛНИНГ БЎЙ БАСТИ

Ўзбек миллий давлатчилик тарихи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий воқеалар билан бирликда катта қулоч отмоқда. Бу фикр улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур бобомиз таваллудининг 660 йиллиги нишонланаётган ушбу кунларда алоҳида аҳамият касб этади. Соҳибқирон даврида Турон заминидаги қатор шаҳарлар, биринчи навбатда пойтахтимиз Самарқанднинг қурилиши авж олди, жаҳон меъморчилигининг нодир масканига айланди.

Халқимизда «Оққан дарё оқмасдан қолмас» деган ибора бор. Мана, орадан олти аср вақт ўтиб, мустақиллигимиз шарофати боис қурилиш тармоғида, шаҳарсозликда, меъморчиликда катта сифат ўзгаришига йўл очиб берилди. Албатта, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши муносабати билан қурилиш соҳасида ҳам жиддий муаммолар юзага келган эди. «Бозор шароитининг таъсири бизнинг соҳада ҳам кучли сезилаётир. Бир ёқда қурилиш материаллари ва ҳар хил зарур техника воситаларининг нархи осмонга чиқиб кетди. Қурилиш жиҳозларининг аксариятини четдан олиб келишга мажбурмиз. Биз бундай вазиятдан чиқиб кетишнинг йўлларини излаяпмиз». Ушбу сарларни бундан беш йил аввал худди шу куни рўзномамизга берилган суҳбатдан келтирдик. Қурилиш соҳасининг мамлакат миқёсидаги раҳбарларидан бири айтган бу муаммо аста-секин ўз ечимини топмоқда. Маҳаллий манбалардан бинокорлик саноатида унумли фойдаланилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз янада чирой очмоқда. Қайси вилоят, туманга борманг, кенг қулочли қурилиш ишлари авж олганининг гувоҳи бўласиз. Ҳукуматимиз республикада қурилиш суръатларини ошириш учун кўп қўнғироқ, маблағ сарфламоқда. Яқинларгина Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган кенгашда бозор муносабатларига ўтиш шароитида қурилиш мажмуини янада ривожлантириш ва қурилишмонтаж ишлари сифатини яхшилашга доир вазифалар кўриб чиқилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Пойтахтимиз ободлашиб, қишлоқ шаҳарларимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кенг ва равон йўллар, маданий-маиший иншоотлар, шинам мавзелар, замонавий бозорлар қад ростламоқда. Ҳар тонг пойтахтимизнинг катта, шўхдли кўчалари бўйлаб ишга, ўқишга йўл олаётганмиз, шаҳримиз кўркига кўрк қўшаётган қурувчиларимизнинг меҳнатига таҳсинлар айтамиз, беихтиёр.

Истаймизки, юртимиз осмони тинч бўлсин, азамат бунёдкорларимиз қурган ва қураётган уйларда ҳамиша тўйлар бўлаверсин.

Гулнора МИРЗАҲОШИМОВА, «Туркистон» мухбири.

• МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДЛАРИ

1991 йилнинг 1 сентябрида мустақилликка эришган мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани ва шаҳрида ҳам истиқлол байрами кўтаринки руҳда нишонланди. Шу куни туман меҳнаткашлари 1018 йил муқаддадам мазкур элда таваллуд топган, наинки Хоразм воҳаси, балки бутун Турон замини илмининг шуҳратини етти иқлимга ёйган қомусчи олим, буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Аллома номидаги хиёбонда куй-қўшиқ, рақс, мушоира, халқ томошалари кечгача давом этди. Улуғ бобокалонимиз ҳам айнан сентябрь ойининг бошларида дунёга келган!

Мустақилликнинг илк куни берунийлик айрим хонадонлар учун қўшалоқ байрамга айланди. Туман туғруқхонасида мустақил мамлакат фарзандларининг «йиғиси» эшитилди...

Тумандаги уруш қаҳрамони Урозбой Жуманиёзов номи билан юритилаётган жамоа хўжалигида Қодирберган Собиров ва Гулнора Рўзматова хонадонида қиз туғилди. Истиқлол барқарор бўлсин, турмуш ташвишлари тўхтамга келсин, дея яхши ният билан қизга Тўхтахон деб исм қўйишди. Тўхтахоннинг отаси Қодирберган туманлараро насос станциялари бошқармасида ишчи бўлиб меҳнат қилади. Онаси Гулнора жамоа хўжалигида ишлайди. Исмни ҳам онаси танлаган бўлиши керак. Сабаби Берунийда аёл врачларга эҳтиром катта. Иккинчидан, тажрибали врач Тўхтахон Файзуллаева кўп йиллар туман тиббиёт тармоғини бошқарди, туман ҳокими муовини бўлди, эндиликда «Қиёбод» санаторийсининг бош врачи. Айни дамларда мустақиллик тенгдоши — Тўхтахон Бобожонова соғлом усмоқда, келажак томон қўтлуғ қадамларини қўймоқда.

— Бизнинг бошқарма ишчиси оиласида истиқлол билан тенгдош жажжи инсон борлигини кечикиб бўлса-да эшитганимиздан ўта хурсандмиз. - дейди Беруний туманлараро насос станциялари бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди Олимбой Примов. — Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг катта журъати билан эълон қилинган мустақиллик, амалга оширилаётган ислоҳотлар биринчи навбатда шу жажжи инсонлар истиқболини кўзлайди. Бундан кейин бизнинг жамоамиз ҳам истиқлол тенгдошларини оталиққа олиш тўғрисида ўйлаб кўради!

Мустақиллик кунида роппа-роса 5 ёшни тўлдирадиган гўдаклар Берунийда оз эмас. Чунончи тумандаги Обой номли чорвачилик хўжалиги шофёри Ғойиббой Бойимбетов ва шу хўжалик оператори Жибек Нуримбетовалар оиласида ширингина қизалоқ туғилди. Унга Осиё деб исм қўйишди. Балки ота-онаси қизалоқ Роза Римбоевадек хушовоз хонанда бўлиб, «Азия дауиси» кўрикларида голиб чиқсин, деб ният қилишгандир. Узоққа бормай, Берунийнинг ўзидан етишиб чиққан ёш ҳамда машҳур хонандалар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Санобар Сафарбоевага ўхшасин, десак ҳам бўлади.

1991 йилнинг 1 сентябри юқорида қайд қилинган чорвачилик хўжалигидаги яна бир хонадон - механизатор Раҳматулла Қармисов ва чорвадор Гулжаҳон Абдуллаеванинг уйида мустақиллик ўғлони туғилиб, унга Эрбол деб исм беришди. Илойим, жажжи ўғлон ҳақиқий эр бўлсин. Касб масаласини эса вақт кўрсатади. Балки у ўз овулдоши, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлар академияси академик котиби Кауденбой Қаррибоевдек академик ёки юртдоши, истеъдодли оғир атлетикачи, Осиё ўйинлари голиби Фозилбек Урозбетов каби спортчи бўлар. Қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, мустақил мамлакатнинг муносиб фарзанди бўлса, бас!

— Мустақиллик тенгдошлари, барча дўмбоқчалар қатори доимий эътибордадир, — дейди «Камолот» жамғармаси Беруний туман бўлими масъул ходими Икром Рейимов. — Байрам куни улар учун завқли тадбирлар ташкил этилади, ўша жажжилар ҳам мустақиллик байрами, ҳам туғилган кунлари билан муборакбод этиладилар!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Туркистон» мухбири.

ТАБАРРУК ЗАМИНДА, МУБОРАК КУНДА...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНҒ ҚАРОРИ

Республикада нақд пул маблағлари эмиссияси ва касса режаси белгиланган даражасининг 1996 йилнинг июль ойидаги бажарилиш якунлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, тижорат банклари, солиқ органлари ҳамда пулли хизматлар кўрсатувчи бошқа вазирликлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 2 июлдаги 230-сон қарори билан белгиланган параметрларни бажаришга оид изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Умуман республика ва Тошкент шаҳри бўйича нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажаришга эришилди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва кўпгина вилоятлар ҳокимликлари нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтиришга доир белгиланган прогнозларнинг бажарилишини таъминлай олмадилар.

Кўрсатиб ўтилган қарорнинг 4-бандига ва «Республика минтақаларида нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ касса прогнозларининг 1996 йил июль ойидаги бажарилиш натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари ва Давлат солиқ қўмитасининг ўз минтақавий бўлинмалари мансабдор шахсларига нисбатан кўрсатиб ўтилган Низомга мувофиқ тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тулаганов, унинг ўринбосарлари — Р. Ф. Файзуллаев ва Р. М. Шоабдураҳмонов 1996 йилнинг июль ойидаги касса режаси ҳамда нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозларини ошириб бажарганликлари учун ойлик лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида мукофотлансинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосарларига, шунингдек, вилоятларнинг ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига нақд пул маблағлари эмиссияси даражасининг ҳамда касса режаларининг белгиланган прогнозларини бажармаганликлари учун ойлик лавозим маошига нисбатан иловага мувофиқ миқдорларда жарима солинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг, шунингдек, «Узбексавдо», «Узмаишийхизмат», Узбекбирлашув уюшмалари, «Узавтотранс» корпорацияси, Алоқа вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа вазирликлари ва идоралари раҳбарларининг эътибори жойлардаги истеъмол бозорини кундалик эҳтиёж товарлари билан тўлдириш, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ва нақд пуллар-нинг айланишини жадаллаштириш ҳисобига аҳолига жорий тўловларни таъминлаш бўйича ишларнинг қониқарсизлигига қаратилсин.

5. Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси (Ф. М. Муллажонов) ва Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Қ. Гатаулин) вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда эмиссия даражасини пасайтириш прогнозларининг изчил бажарилиши устидан назоратни кучайтирсинлар. Нақд пулларнинг банкдан ташқари муомалада бўлишини кескин камайтириш, хўжалик юритувчи субъектларга тўшумларни тўлиқ ва ўз вақтида инкассация қилиш бўйича қўшимча рағбатлар яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ўн кун муддатда ишлаб чиқсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1996 йил 12 август.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 августдаги қарорига ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига 1996 йил июль ойидаги нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режасининг бажарилиши натижалари бўйича солинадиган жарима МИКДОРЛАРИ

Вилоятлар номи	Вазирлар Кенгашининг Раиси ва ҳокимлар	Ҳокимларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари	Ҳокимларнинг халқ истеъмол товарлари, савдо ва пулли хизматлар бўйича ўринбосарлари	Жарима миқдори, иш ҳақига нисбатан фоизларда
Қорақалпоғистон Республикаси	Авезматов С. Й.	Қошкарбоев Д.	Бектурдиев Б.	10
Андижон	Обидов Қ. F.	Иброҳимов Ш. F.	Қаюмов М. Қ.	20
Бухоро	Раҳмонов М. Р.	Тўхтаев Ф. Н.	Жданов В. В.	20
Жиззах	Тошкенбоев А. Х.	Ҳакимов З. Х.	Узоқов Б. У.	20
Қашқадарё	Пармонов О. Д.	Насимов Р. Н.	Лихин А. А.	20
Навоий	Ғаффоров Ҳ. Р.	Халимов А. Р.	Бердиев Э. Ш.	20
Наманган	Рапиғалиев Б.	Нажмиддинов И. Ҳ.	Маматқулов Э. Р.	20
Самарқанд	Мардиев А. М.	Умаров А. У.	Умаров Ш. Ҳ.	20
Сирдарё	Ҳасанов F. Б.	Кровнов А. Н.	Раҳимов Т. А.	20
Сурхондарё	Норалиев Ж.	Аҳмедов А. А.	Аҳмедов Қ. Ҳ.	20
Тошкент	Рўзиев Э. М.	Ҳосилов Б. А.	Асадов Ҳ.	20
Фарғона	Исломов М. Й.	Ҳайдаров Ҳ. Ў.	Эрғашев Б. М.	20
Хоразм	Юсупов И.	Султонов Ж. С.	Раҳимов Қ.	20

«Камолот» — ёшлар таянчи

ИШСИЗЛАРГА ЙЎЛЛАНМА

Ҳаммаси «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани бўлими ходимлари бошлаган ташаббусдан кейин бўлди. Туман ҳокимияти биноси олдида ёшлар, ота-оналар, турли ташкилот раҳбарлари йиғилишди.

Сабаб туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси Акмал Икромов тумани бўлими ҳамкорликда ўтказган меҳнат ярмаркаси бўлди.

Мақсад тумандаги ишсиз юрган ёшларни иш билан таъминлаш ва ташкилотдаги бўш жойларга ишчи кадрлар тайёрлаш эди.

Меҳнат ярмаркасида Акмал Икромов туман ҳокимлиги, туман савдо ҳиссадорлик жамияти, 2-трамвай депоси, ободонлаштириш бошқармаси, Тўқимачилик комбинати ва туманда фаолият кўрсатаётган турли ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган тадбирда маҳаллаларда ишсиз юрган 145 нафар йигит-қизга билим юртларига, 150 нафар ёшларга эса завод-фабрикаларга йўлланма ва кўрсатмалар берилди.

Ярмарканинг бадиий қисмида туман маданият бўлими «Кунгил» гуруҳи ва 453-болалар боғчаси жажжиларининг чиқишлари ҳаммага маъқул келди.

Васила АСАТИЛЛАЕВА

Рустам ЭРКАБОЕВ: «Қанчалик тез кўп тармоқли ассоциацияга айлансак, янги шароитда шунчалик яхши ишлаб, яхши яшаймиз».

Истиқлол йилларида авж олган қурилиш қулами туфайли Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари кўз ўнгимизда тобора барқ урмоқда. Кўп йиллардан бери чала ётган қурилишлар тугалланиб, пойтахт янги сарой ва бинолар ҳусни-таровати билан янада очилиб кетди, аҳоли ва меҳмонлар дилини қувонтириб вилоят ва туманлар марказлари кўчалари гуллаб-яшнаб, замонавий кўринишга эга бўлиб бормоқда.

Бунда республикадаги пешқадам қурилиш ташкилотларидан бири бўлмиш, меҳнат фаолиятини бундан 21 йил муқаддам бошлаган «Ўзсаноатҳўжаликқурилиш» корпорациясига қарашли «Ўзпахтақурилиш» ассоциациясининг ҳиссаси катта. Ҳозир бу қурилиш ташкилотига ишни белончиликдан бошлаб, сўнгра уста, прораб, қурилиш участкаси бошлиғи бўлган, 1987 йилдан эса «Ўзпахтадострой» бирлашмаси ўринбосари лавозимида ишлаган Рустам Сапарович ЭРКАБОЕВ етакчилик қилмоқда. Кўпи кечи нишонланган қурувчилар куни арафасида республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшган самоқли улуши, мароқлар меҳнати учун у алоҳида ўзини кўрсатган қурувчилар қаторига Президент Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Фахрий фаҳрий унвонини берилгани.

Рустам Эркабоев «Ўзпахтақурилиш» ассоциациясининг фаолияти тўғрисида бизга шуларни сўзлаб берди:

(2-бетга қаранг)

Суратда: Олмалиқдаги 354-кўчма механизациялашган колонна «Ўз касбининг энг яхши устаси» танлови ғолиблари тақдирланмоқда.

Рустам ЭРКАБОЕВ: «Қанчалик тез кўп тармоқли ассоциацияга айлансак, янги шароитда шунчалик яхши ишлаб, яхши яшаймиз».

(Боши 1-бетда).

«Ўзшаҳарқурилиш» ассоциацияси бугун республика ҳудудида уй-Іжой ва ижтимоий-маданий маиший бинолар ва уй-жойлар қурмоқдамиз. Ишлаб топилган Россия рублига эса Ўзбекистон ҳудудида бунёд этилаётган объектларни тиклаш учун зарур бўлган металл прокат, қурилиш материалларини завод нархида сотиб олмоқдамиз. Худди шундай тўғридан-тўғри шартномага кўра қўшни Туркманистоннинг Чоржўй ва Тожикистоннинг Панжикент шаҳарларида уй-жой қуриб бердик.

Мавжуд уйсозлик комбинати негизида ташкил топган ва ўтган йили «Ўзшаҳарқурилиш» ассоциациясига айлантирилган «Ўзградострой»ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилганига ҳам шу йил апрель ойида 21 йил бўлибди. Ягона ихтисослашган ташкилот бўлган «Ўзградострой» бирлашмасининг тузилиши, айтиш мумкинки, Ўзбекистон қурилиш вазирлиги тизимида йирик панелли уйсозликни ривожлантиришда янги босқич бўлган эди. Бу «Ўзградострой» бирлашмасининг республикамиз ичида, шунингдек, унинг ташқарисида ҳам олиб борган кўп йиллик иш тажрибасида ўз тасдиғини топди.

Қисқа муддатлар ичида йирик панелли уйсозликда ишлаб тажриба орттирган малакали мутахассислардан таркиб топган бирлашмамиз бўлимлари ва хизмати фуқаролар учун уй-жой қуришдек муҳим бу тармоқда ягона техник сиёсатни ўтказа бошладилар.

Дастлабки кунларданоқ бирлашма раҳбарияти бутун эътиборни барча йирик панелли уйсозлик заводларини янги, яхшиланган типовой лойиҳалар бўйича уйлар ишлаб чиқаришга ўтказишни тугаллашга қаратди. Ва, бу ишлар 1977 йилда ниҳоясига етди: Наманган, Нукус, Урганч уйсозлик комбинатлари 111-146 серияли йирик панелли уйларни ишлаб чиқара бошлади. Фарғона уйсозлик комбинатида эса 111-76 серияли янги уйлар чиқариш йўлга қўйилди.

Бирлашма таркибида меъморчилик — конструкторлик бўлими ташкил топди. 1976 йили ихтисослашган механизациялашган бошқарма — МБ тузилди.

Умуман, бирлашманинг деярли барча уйсозлик комбинатларидаги қурилиш ва реконструкция қилишни лойиҳалаштириш бўйича улкан ишлар 1978-1980 йилларга тўғри келади. Мазкур йилларда бирлашманинг капитал қурилиш бўлимлари ва у билан боғлиқ хизмат ходимлари зиммасига катта масъулият тушди. Биз бирлашма қудратини оширишга имкон туғдирган ҳар бир киши номини алоҳида миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан то ҳануз эсга оламиз.

Худди шу даврда Самарқанд ва Жиззах шаҳарларида янги уйсозлик комбинатлари қурилди.

1970-1980 йилларда республика Қурилиш вазирлиги Маржонбулоқда олтин чиқарувчи фабрика қурилишини амалга ошира бориб, бизнинг бирлашмамизга мутлақо ўзлаштирилмаган жойда олтин қазиб олувчилар учун шаҳар қуришни топширди. Дастлабки иккита 48 квартирали турар-жой биносини қуриш Бухоро уйсозлик комбинати зиммасига тушди. Уларга яшаб ишлаш имкониятига эга бўлган бошқа бунёдкорларга нисбатан жуда оғир бўлган эди.

1980-1981 йилларда «Ўзградострой» бирлашмасига Байкал-Амур магистралининг Куанда бекатида уй-жой қуриш топширилди. Куандада ташкил этилган кучма 1-механизациялашган колонна биринчи панелли уйни Шимановск уйсозлик комбинати, кейинги тўртта уйни Ангрен уйсозлик комбинатида ишлаб чиқарилган панеллардан бунёд этди. Ўшанда Ангрен уйсозлик комбинатида БАМ даги қурилиш учун махсус равишда сирти уч қатлам бўлган ғовак пластмассали, совуққа бардошли 40 см қалинликдаги девор панеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган эди.

1987 йилга қадар «Ўзградострой» ишлаб чиқариш бирлашмаси пудрат ишлари ҳажмининг муттасил ўсишини таъминлаб, янги-янги уй-жойларни топшира борди. 1987-1988 йилларда бирлашмада квартал сайин кенгаш ўтказиш қайта тикланди. Уйсозлик комбинатлари бу кенгашга олдиндан тайёрланар эдилар. Уйсозлик комбинатлари ўртасидаги мусобақаларга якун ясалар, уйсозлик комбинатларида қўлланган турли муҳандислик янгиликлари билан таништириларди.

Айни шу йилларда Ангрен ёндевор анжомлари заводи қуриб битказилди, бу ерда пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш ва электр двигателларни таъмирлаш бошланди; кимёвий қўшимчалар ва янги Ангрен ГРЭС кул қолдиқларини қўллаш ҳисобига цементни тежаш масалаларига катта аҳамият берилди. Самарқанд 1-уйсозлик комбинати ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда 3,2 метрли яхлит ўлчовли, «Зарафшон» серияли йирик панелли уй буюмлари ишлаб чиқаришга ўтди. Бухоро уйсозлик комбинатида эса собиқ Иттифоқнинг зилзила буладиган барча ҳудудлари ичида биринчи ва ягона бўлган йирик панелли мактаблар ва болалар боғчалари учун 1-090с серияли анжомлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Уйсозлик комбинатларининг 20 йиллик яхши меҳнати эътиборсиз қолмади. Бирлашманинг ўнлаб ишчи ва муҳандислари турли орден ва медаллар билан мукофотландилар. Уйсозлик комбинатлари бошлиқлари К. Т. Зубов, Д. М. Норов, А. И. Икромов, М. А. Маҳмудов, Бухоро уйсозлик комбинати сувоқчиси В. А. Кандрашова, Нукус уйсозлик комбинати ишлаб чиқариш бошлиғи А. Т. Турежанов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи» унвонига сазовар бўлдилар, Самарқанд уйсозлик комбинати бош муҳандиси муовини Ф. И. Пакка «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи» унвони берилди. Жамоамиз аҳли Наманган уйсозлик комбинати бошлиғи А. И. Икромов мустақил республикамизнинг биринчи Олий мажлисига депутат қилиб сайланганлиги билан фахрланади.

Мамлакатимиз ҳаётида юз берган катта ўзгаришлар бирлашмамизни ҳам четлаб ўтмаганлиги ўз-ўзидан тушунарли. Барча бўлинмаларимизда мулкка эгалик шакли ўзгариб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Бу жамоа меҳнати натижаларига ўз таъсирини ўтказди, албатта. Ўтган йил якунига кўра яхши дивидент билан чиқдик, бу қурувчиларимизни моддий жиҳатдан сезиларли даражада қўллаб-қувватлаш имконини берди.

Жами 147 минг 666 та акциямиз муомалада бўлиб, шундан 68553 та акция давлат улушидир. Меҳнат жамоамиз акцияси 57766 тани ташкил этса, қолган 20347 та акция эркин сотув орқали тарқатилган.

Кези келганда, «Наманганжилстрой» ҳиссадорлик жамияти раиси А. И. Икромов, «Ангренжилстрой» ҳиссадорлик жамияти раиси Э. А. Бозоров, «Бухороуйқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси А. К. Тошев ва яқинда Қарши ҳиссадорлик жамияти раислигига сайланган К. М. Мустафоқуловларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Қўплашиб қилинган камтарона меҳнат катта обрў келтиришини ҳаммамиз яхши биламиз. Бунга «Олмалиқ 354 -кўчма механизациялашган колонна» сувоқчи - бўёқчилар бригадаси яққол мисол бўлиши мумкин. Юксак малакали бу жамоанинг шуҳрати бутун республикага ёйилган. Уларни нуфузли барча объектларда ҳурмат билан тилга олишади.

Энг намунали жамоалардан ҳисобланмиш 354 -кўчма механизациялашган колонна бошлиғи М. И. Коптев қурилиш ишига ўзининг 30 йилдан кўпроқ умрини сарфлаган матонатли инсонлардан. Бу раҳбарнинг бой тажрибаси барча учун ибрат, ёш қурувчилар уни ўзларига устоз деб билишади. Қурувчилар байрами арафасида худди шу кўчма колонна дурадгори М. А.Эргашев Президент Фармони билан «Шуҳрат» ордени билан мукофотланганлиги ҳам бежиз эмас.

Бошқа қурувчиларимиз ҳам ёмон ишлашмаяпти. Бироқ муаммолар ҳам етарли. Энг асосийси, бу дебиторлик қарзларидир. Ҳозир биз айниқса айланма маблағлар етишмаслигини ҳис қилмоқдамиз. Бу эса бизнинг бозор йўлига ўтишимизни қийинлаштираётир. Пардозлашга ва топширишга тайёр бўлган кўплаб уйлар буюртмачиларда маблағ йўқлиги туфайли сотиб олинмаётир. Бу эса республика шаҳар ва қишлоқларида бундан буён ҳам қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб боришимиз учун бизга ўта зарур бўлган миллион-миллион сўм демакдир.

Узгариб бораётган ҳаёт шароитлари бирлашмамиз учун анъанавий бўлиб қолган йирик панелли уйсозликдан воз кечишни қатъиян талаб қилмоқда.

Йирик панелли уйсозлик буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводларимиз маҳсулотларига бўлган талаб тобора камайиб бормоқда. Аҳоли эҳтиёжларини яхшироқ қондириш учун бугун биз кўпқаватли уй-қуришдан тобора узоқлашиб, кўпчиликка маъқул буладиган бошқа вариантларни ишлаб чиқаяпмиз ва ҳозирнинг ўзидаёқ Бухоро, Наманган вилоятларида, Қорақалпоғистон республикаси ва Ангрен шаҳрида бир-икки қаватли коттежлар қурмоқдамиз.

Бундан ташқари ғиштин турар-жой уйлари қурилишини ҳам бошлаб юбордик. Бу шундайки, уйнинг сиртқи деворлари ғиштли бўлиб, ички қисми эса темир-бетон қўлланган каркасли йиғма девордан иборатдир.

Жуда кўпчилик ҳозирнинг ўзидаёқ панел уйларда яшашни хоҳлашмаётир, уларга ғиштли уй керак, бинобарин, бугун текин турар-жой қолмади ҳисоб. Бундан буён ана шу истакларни инобатга олиб ишлашимизга тўғри келади.

Наманган вилоятида «синч» тизими бўйича қурилиш кенг тарқалган. «Синч» дегани ўзи нима? Бу шундай : уйсозлик комбинати бино синчларини ўрнатиб, чалаярим ҳолда битган уйни аҳолига сотади. Бундай қурилиш ҳар икки томон учун анча арзонга тушади. Одамларнинг ўзи уни охирига етказади, пардоз беради, дераза қўяди, дидига мослаб эшик ўрнатади. Вилоятда ҳозирнинг ўзида худди шу «синч» тизими бўйича 200 га яқин коттеж қуриб битказилди.

Уй-жой қурилишига капитал маблағлар ҳажмининг қисқартирилиши қурувчи жамоаларимиздан фаолиятларини тубдан қайта қуришни тақазо этмоқда. Ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияларни жалб этиш эса муҳим шартлардан бирига айланиб қолди.

Ҳозир биз йирик панелли уйсозлик заводларининг эркин ишлаб чиқариш майдонларига жойлаштириш учун инвесторларни излаб топиш мақсадида фаол ҳаракат қилмоқдамиз. Токи улар бозорбоп товарлар ишлаб чиқарсин. Қўшма корхоналардан умидимиз катта. Бугунги кунга келиб тўртта шундай корхона фаолият кўрсатаётир. Мисол учун, Бухоро уйсозлик комбинатида Жанубий Корея билан ҳамкорликда «Голдстар» рангли телевизори йиғилмоқда, қорақўл шубаларни тикиш бошланди.

Наманган уйсозлик комбинати негизида целлюлоза ва йиғилган ип ишлаб чиқариш бўйича иккита қўшма корхона ташкил этилди. Гулистон уйсозлик комбинатида эса Австрия фирмаси билан қўшма корхона тузиш жараёни ниҳоясига етмоқда. Шундан сўнг бу ерда ғўзапояни қайта ишлаб, қурилиш материали — «Велокс» плиталари чиқариш бошланади.

Олмалиқ уйсозлик комбинати негизида Жанубий Кореянинг «Хонам петракемикэл» корпорацияси билан ҳам қўшма корхона тузиш тўғрисидаги битим имзоланди. Қўшма корхона пластмасса буюмлар ва «УзДЭУавто» учун комплектловчи деталлар ишлаб чиқаради. Бунинг учун зарур бўлган ҳужжатларни Адлия вазирлигида, Давлат мулк қўмитасида ва республиканинг бошқа ташкилотларида рўйхатдан ўтказиш давом этмоқда. Бундан ташқари Ангрен уйсозлик комбинати негизида жунни қайта ишлаш бўйича қўшма корхона ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ҳозир хорижий фирмалар ва Америка ишбилармонлик ҳамда ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди Марказий Осиё минтақаси бўлими билан музокаралар олиб борилмоқда.

Умид қиламизки, қўшма корхоналар бизга нафақат даромад келтиради, балки одамларни иш билан таъминлашга ҳам ёрдам беради.

Ассоциациямизнинг келажаги янги ишлаб чиқариш корхоналарининг очилиши билан бевосита боғлиқ. Бироқ қайта қуриш жуда қийин кечяпти. Қўшма корхоналар тузамиз, халқ истеъмол моллари янги турларини ишлаб чиқаришни кенгайтирамиз, демакки, кўптармоқли ассоциацияга айланамиз. Ҳам тўқимачилик маҳсулотлари, ҳам целлюлоза, ҳам маиший техника, ҳам ДСП ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Ниятларимизнинг намунаси ўлароқ, кўпгина ҳиссадорлик жамиятларимизда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган ва аҳолига маиший хизмат кўрсатаётган қатор кичик корхоналар ва масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этила бошланди. Аммо бозор йўналиши бўйича ҳатти-ҳаракатларимиз баъзан поёнига етмаётир, турли тегишли муассасаларга кўплаб қилган мурожаатларимизга қарамай, кредит линияларини очиш муаммолигича қолмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, биз қанчалик қисқа фурсатларда кўп тармоқли ассоциацияга айлансак, янги шароитда шунчалик яхши ишлаб, яхши яшайдиган бўламиз.



Суратларда: (юқоридан чапда) Намангандаги «Оромгоҳ» турар-жой даҳаси; (пастдан чапда) «Мингчинор» даҳаси 'коттежлари — Наманган вилоят марказида энг яхши ҳисобланади; (юқоридан ўнгда) Қарши шаҳрининг Шибаев кўчасидаги 1994 йилда қурилган чойхона; (пастдан ўнгда) Бухоро уйсозлик комбинатида эндиликда қорақул шубалар ҳам тикаётирлар.

УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛМОҚЧИМИСИЗ?

«ТОШУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНКИ» СИЗНИНГ МУАММОИНГИЗНИ УЗОҒИ БИЛАН 6 ОЙ ИЧИДА, ЭРКИН БОЗОР НАРХИДАН АНЧА АРЗОНГА, ҲАМ ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРАДИ.

Уй-жой ташвиши, уни сотиб олиш кимнинг бошига тушмаган дейсиз. Бу нарса айниқса болажон ўзбеклар учун бугунги кунинг ҳам катта муаммосидир. Халқимизнинг қадимги удумига кўра фақат кенжа ўғилгина ота ҳовли ёки уйнинг чироғини ёқиб ўтиради. Қолганлари эса гўё учирма қушлек. Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги Уй-жой бошқармаси ходимларининг берган маълумотига кўра ҳозир уй олиш учун навбатда турган оилалар сони 24.115 та.

Президентимиз И. Каримовнинг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги шу йил 31 январда имзо чеккан Фармони эълон қилингандан сўнг бу соҳада ишлар ривожлана бошлади. Турли хилдаги тижорат инвестицион ва кооператив услублаги уй-жой қурилиши ва сотилиши билан шуғулланадиган ташкилотлар майдонга чиқди. Мухбиримиз бу соҳада пойтахтда салмоқли ишларни олиб бораётган «Тошуйжойжамғармабанки» бошқаруви раиси Темур Саидович АЗИМОВ билан суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Ҳузурингизга мухбирмас, уй-жойга муҳтож мижоз сифатида келдим. Аввалдамбор кимга учрашиш ва қандай талабларни бажаришим керак.

— Энг аввал банкимиздан уй-жой жамғарма ҳисоб рақамини очишингиз керак. Сўнгра ижтимоий шахс сифатида имтиёзли кредит олиш учун керакли ҳужжатларни тақдим этсангиз, шунинг ўзи кифоя. Бу иш билан банкимиз жойлашган бинонинг биринчи қаватидаги ходимларга учрашсангиз, ўзлари ҳамма ёрдам ва кўрсатмаларни берадилар.

— Илгари уй-жой олиш учун навбатга ёзилиш мақсадида ҳужжатлар йиғишга ҳафталаб югуриларди. Сизларда бу нарса мижозларни ташвишга солиб қўймайдими?

— Йўқ. Бизда бу иш бутунлай соддалаштирилган. Аммо мижозлар риоя қилиши керак бўлган ҳолатлар мавжуд. Биринчидан мижоз 18 ёшга тўлган ва Тошкент шаҳрида уч йил доимий рўйхатдан ўтиб истиқомат қилган бўлиши керак. Тошкент шаҳрида белгиланган тартибда рўйхатга олинган барча мулкчилик шаклидаги юридик шахсларга жамоаларнинг қарорлари бўйича ўз ходимлари номига уй-жой жамғарма ҳисоб рақамини очиш ҳуқуқи берилган. Талаб қилинадиган ҳужжатларга келсак, маҳалла қўмитаси ва туман ҳокимлиги тавсияномаси, иш жойидан шу фуқаронинг тўлашга қобиллиятли эканлиги ҳақида далолатнома, паспорт ёки ҳарбий гувоҳнома кўрсатилса бас. Бу ҳужжатларни бир кунда тўғрилаб келса булади. Уй-жой жамғарма ҳисоб рақамини очиш ҳамда имтиёзли кредит олиш учун ёзиладиган аризалар банк ходимларининг ёрдами билан жуда тез амалга оширилади.

— Расмиятчиликдан қутилдик. Энг асосийси — нархнаво масаласи. Мижоз бир квадрат метр жой учун қанча пул тўлаши керак?,

- Бозор муносабатлари қурилишга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Маълумки қурилиш анжомлари, ҳом ашёлар жуда қиммат-лашган. Шунинг учун сотилаётган облигацияларимизда бир квадрат метр жой 14 минг сўм қилиб белгиланган.

— Бу жуда қиммат-ку! Мана, қурилаётган уч хонали уй 96 квадрат метрни ташкил қилар экан. Ҳисоб-китоб осон бўлиши учун 100 квадрат метр деб олсак, уйга муҳтож одам сал кам 1.400.000 сум тўлаши лозим...

— Уй-жой облигациясини сотишнинг жорий нархи Тошкент шаҳрида амалда шаклланаётган уй-жойнинг смета қийматини ҳисобга олган ҳолда Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мутахассислари ва ходимларининг жиддий ҳисоб-китобидан сўнг юқоридагилар ҳамкорлигида фикрлашиб белгиланди.

Тўғри, айтганингиздек тўғридан-тўғри сотиб олинадиган бўлса, ҳар қандай мижозга ҳам оғирлик қилган буларди. Шунинг учун Президентимизнинг январь ойидаги Фармонида бу ҳол ҳисобга олиниб, сотиладиган уй-жой қийматининг 50 фоизи давлат бюджетининг маблағларидан қопланади.

— Қолган ярми қай тартибда тўланади?

— Ҳисоб-китоб борасида мижозлар учун бир қанча имтиёзлар яратилган. Келинг, сиз айтаётган уч хонали, умумий уй-жой майдони 96 квадрат метр бўлган уйнинг қийматини тўлаш тартибини аниқ сонлар билан ифодалаб берайлик. Шунда мижозлар ўзларига яратилаётган имтиёзлар билан ҳам танишадилар.

— Жуда яхши.

—Хўш, уч хонали уй-жой умумий майдонининг қиймати 1.347.000 сўмни ташкил этади. Бу қийматнинг ярми, яъни 673 минг сўм юқорида таъкидлаганимдек давлат бюджети томонидан қопланади.

Уй-жой олишга шартнома тузиш учун керак буладиган облигацияларнинг бошланғич туркуми 20 квадрат метр жойнинг нархидан иборат. ёки ҳозирги нархда 140 минг сўм.

— Демак, мижоз уч хонали уй-жой олиш учун шартнома тузишга олдиндан нақд 140 минг сўм пул тўлаши ёки маълум вақт ичида тўлаб-тўлаб йиғиши керак экан-да?

— Шундай. Чунки жисмоний шахслар учун тахмин қилинаётган уй-жой майдонининг 20 фоизи облигацияларнинг дастлабки туркуми бўлиб ҳисобланади. Уз ходимларига уй-жой сотиб олувчи юридик шахслар учун облигацияларнинг дастлабки туркуми майдоннинг камида 50 фоизига мувофиқ бўлиши керак.

— Мижоз шу уч хонали уй-жой учун 673 минг сўмнинг 140 минг сўмини олдиндан тўлаган тақдирда яна 533 минг сўм қарз бўлиб қолар экан. Бу катта маблағни дарров тўлай олмаслиги мумкин-ку!

— Тўғри, энди мижоз омонатчиларга бериладиган имтиёзлардан фойдаланади. Банкимиз мижозларга қолган қийматни тўлаш учун ўн йил муддат беради. Республика Марказий банки амалдаги такрор молиялаш фоиз ставкасининг 25 фоизи ҳисобидан ўн йил мобайнида тўлаш шарти билан кредит беради. Ҳозирги кунда кредит фоиз ставкаси 15 фоизни ташкил қилади. Ҳар ойда тўланиши ҳисобига кредитни-нг йиллик фоизиям, асосий қарзнинг миқдориям камайиб боради. Масалан, июль ойида қарз тўлашни бошлаган мижоз август ойида 11.088 сўм 68 тийин тўласа, беш йиллик кейин шу ойда 7.753 сўм тўлайди, яъни қарз миқдори ҳам ойдан ойга камайиб бораверади.

— Оддий фуқаролар яна қандай имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин?

— Жисмоний шахслар уй-жой сотиб олиш учун олган кредитни муддатидан илгари тўлаган тақдирда, мисол учун уч йил ичида қутилсалар кредит учун банк томонидан белгиланган фоиз тенг ярмига, 5 йил муддатда тўлай олсалар 30 фоизга камайтирилади.

Яна қўшимча имтиёзлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, имтиёзли кредитлар Давлат суғурта бош бошқармаси томонидан суғурта қилинади. Бунда суғурта тўловини банкнинг ўзи тўлайди.

— Демак банк томонидан мижозга ўн йил муддатга бериладиган кредит давлат ташкилоти томонидан қатъий кафолатга олинар экан-да!

— Ҳа, бу тадбир мижоз ва банкнинг бир-бирига ишончини ошириш учун ташкил қилинган.

—Мижоз облигацияларнинг дастлабки туркумини сотиб олганидан кейин қанча вақт ўтиб уй-жойга кўчиб кира олади?

— Банк шартнома тузилган кундан бошлаб кечи билан 6-8 ой муддатда облигация туркуми эгаларига шартномада кўрсатилган уйни топширади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги мажбуриятларнинг уй-жой беришга доир қисминнинг бажарилиши бўйича «Тошуйжойжамғармабанки»нинг кафили ҳисобланади. Уй-жой белгиланган муддатда эгасига топширилмаган тақдирда банк облигациялари эгаларига муддати ўтган ҳар бир кун учун облигациялар туркуми қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

— Жисмоний шахслар пул ўтказиш йўли билан облигациялар сотиб олиш ҳуқуқига эгамилар?

— Жисмоний шахслар шундай ҳуқуққа эгалар. Шунингдек ёзувчилар, шоирлар, меъморлар, ҳайкалтарошлар ва илм кишилари ҳам олган гонорарларини турли банклардаги очилган ҳисоблардан бизнинг банкка ўтказишлари мумкин. Яна рационализаторлик ва илмий кашфиётлари учун мукофот ва гонорар сифатида олинган ва банкларда жамғармаларини сақлаётганлар пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Хуллас, ҳар бир жисмоний шахс ушбу тартибда ўз даромадини пул ўтказиш йўли билан уй-жой сотиб олишга ишлатиши мумкин.

— Биринчи тўлов қиймати шаҳарда сотилаётган уй-жой нархларидан анча паст бўлса-да, уни ҳаммаям тўлай олмаса керак. Бу мижозларнинг сонига таъсир қилмаяптими? Ахир қурилишни ташкил қилиш учун қурилиш ташкилотларига салмоқли миқдорда пул ўтказиш керак.

— Банкимиз ходимлари шаҳар аҳолиси орасида оммавий ахборот воситаси ҳамда маҳалла қўмиталарининг кўмагида тушунтириш ишларини олиб борди. Ҳозирча натижа ёмон эмас. Шу йил 1 июлигача 588 та жисмоний ва 3 та юридик шахс учун жамғарма ҳисоблари очилди. Натижада 75.500.000 сўмлик маблағ йиғилди. Дарвоқе, мижозларга берилаётган имтиёзлар ҳақида сўзлаганда яна банкдаги ҳисоб рақамига юборилаётган жисмоний шахснинг барча турдаги даромади амалда қўлланилаётган даромад солиғидан озод қилинишини таъкидлаш жоиздир.

— Мижозларнинг пуллари қуйиб қолмаслиги учун қандай тадбирлар амалга оширилади?

— «Тошуйжойжамғармабанки» ташкил топганда Ўзбекистон республикасининг Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Халқ банки ва бошқа таъсисчилар қўмагида 250.000.000 сўм миқдорида устав фонди ташкил этилган. Банкимиз фаолияти ана шу устав фондининг муттасил кўпайиб боришига боғлиқ. Биз бошқа фойда келтирувчи операциялар, жумладан, ташкилот ва бошқа банкларга фойдали фоиз ҳисобига кредит бериш билан ҳам шуғулланамиз.

— Мижозларингизнинг аксарияти 77-замонавийлаштирилган сериядаги уй-жойга ишқибоз эканлар, шу ҳақида тўхталсангиз?

— Бу уй махсус лойиҳа асосида яратилган бўлиб, ўзбекларнинг турмуш тарзига мослаштирилган. Мисол учун тўрт хонали уйларга албатта кўп болали оилалар кўчиб киради. Шуни ҳисобга олиб уйда иккита айвон мавжуд бўлиб, биттаси 15 квадрат метрни ташкил қилади. Ювилган кийим-кечакни қуритиш учун махсус қуритиш хонаси ҳам қурилган. Тўрт хонали уйнинг ётоқхонаси 15 квадрат метрни, меҳмонхонаси 24 квадрат метр, қолган икки хонаси 12 ва 18 квадрат метрни ташкил қилади. Қулайликлар 1,2 ва 3 хоналик уй-жойларда ҳам яратилган. Қўшимча қулайликлар ва хоналарнинг кенгайтирилгани кўпчиликка маъқул тушмоқда.

— Тошкентдек азим шаҳарда уй-жой муаммоси жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан бажараётган ишларингизнинг келажагига қандай қарайсиз?

— «Тошуйжойжамғармабанки»нинг рўйхатдан ўтганига ҳали ярим йил ҳам бўлгани йўқ. Шу қисқа вақт ичида самарали ишларни амалга оширдик десак муболаға бўлмайди. Бу йил ишга туширилиши мўлжалланаётган 400 та уй-жойнинг ярмидан кўпи эгаларини топди ҳисоб. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 51 та тўрт қаватли уй қуриш учун ер ажратди. Бу 747 та оила уй-жой билан таъминланади деган гап. Шунинг ўзи фаолиятимизнинг натижаси бўлса керак.

Суннат АЗЛАРОВ.
«Туркистон» мухбири.

Байрам олди хабарлари

«ОЛТИН ГЛОБУС» — ЮҚОРИ СИФАТ БЕЛГИСИ

Америка Қўшма Штатларидан хушхабар келди: Хорижлик ҳамкорларга жўнатилган Наманган пахтасининг сифати аъло баҳо олибди. Мазкур мамлакатдаги ЕАФ жамғармасининг экспорт комиссияси «Гола глоуб» («Олтин глобус») соврини билан мукофотлабди.Пахта толасининг катта қисми АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкорлар томонидан сотиб олинган.

* * *

Зирабулоқ тажриба-синов заводи ихтирочилари яратган муъжаз комбайн Нарпай тумани ғаллазорларида муваффақиятли ишлади. Бу машина кичик майдонлардаги ғалла ҳосилини уриб олишда қўл келади.

* * *

Қарши шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги олдидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси бошланди. Вилоят туманлари деҳқонлари навбатма-навбат ўзлари етиштирган ноз-неъматлардан шаҳар аҳолисини баҳраманд этмоқда.

* * *

Республика «Комолот» жамғармаси Навоий вилоят булими шаҳар ва туманларида меҳнат ярмаркалари ташкил этишни йўлга қўйди. Саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ярмаркага келганларни ўзларида мавжуд иш ўринлари билан таништирмоқда. Қизилтепа туманида ўтказиладиган меҳнат ярмаркасида таклиф этиш учун 130 дан кўпроқ иш ўрни аниқланди.

* * *

Қорақалпоғистон республикаси пойтахтида мармар ишлаб чиқарадиган Нукус-Италия қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Бу турли мармар плиталарни кўплаб ишлаб чиқариш имконини беради.

«ПАХТАКОР-79» ХОТИРА ТУРНИРИ

Навоий шаҳридаги «Суғдиёна» стадионида 1979 йилда авиация фалокати натижасида ҳалок бўлган пахтакорчилар хотирасига бағишланган турнир ўтказилди. Ҳалок бўлганлар орасида навоийлик моҳир футболчи Шуҳрат Эшбутаев ҳам бор эди. Шунинг учун ҳам республика футбол федерацияси навбатдаги хотира турнирини Навоийда ўтказишга қарор қилди.

«МЕН АДОЛАТ БИЛАН ҲУКМРОНЛИК ҚИЛИШГА АЗМУ ЖАЗМ ЭТДИМ»

Эрта тонг. Амир Темур хиёбони сокин. Гўё у шу лаҳзаларда шаҳарнинг эрта тонгдан кеч қоронғу тушгунига қадар тинимсиз давом этган шовқин-суронлардан бир зум бўлсада, тин олиб, бир лаҳзагина жимжитликка юз тутгандек.

Қуёш ётоғидан оҳиста бош кўтариб, она замин узра сахий нурларини соча бошлади. Хиёбонда ёлғиз ўзим улкан ҳайкалга тикилганча, мафтун бўлиб ўтирибман. Бу улуғвор ҳайкал мен учун мустақил Ўзбекистонимизнинг муҳим тимсолларидан биридир.

Мустақиллик Ўзбекистонга катта ютуқлар олиб келди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов ўтиш даврида республика ҳаётига оид бешта тамойилни изчиллик билан ўтказишни таклиф қилди. Буларнинг ичида иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги, яъни иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши; ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши; қонунга итоаткорлик; кучли ижтимоий сиёсат; бозорга босқичма-босқич ўтиш лозимлиги мустақил мамлакатнинг ҳозири ва келажаги учун муҳим ўрин тутиши табиий.

Булар том маънода буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз тарихда қолдирган муносиб ишларнинг бугунги кундаги давомидир.

Назаримда Амир Темур бобомиз асрлар оша биз-авлодларига қўлини чўзганча васият қилаётгандек. Мен буюк бобомизга таъзим қилярканман, ул зот билан ҳаёлан суҳбатлашаман.

— Буюк саркарда! Сиз улкан подшолик барпо этдингиз. Мени, оддий бир ўзбек йигитини доимо бир фикр қизиқтиради. Сиз бундай шону-шавкат, обрў-эътиборга қандай эришдингиз? Дунёи дун бутун тарихи давомида не-не лашкарбошиларни кўрмади, дейсиз. Унда Александр Македонскию, Чингизхон ҳам от суриб ўтди. Аммо ҳеч кимга бундай катта ва буюк давлат тузиш насиб этмади.

— Мухолифларни кўнглини топиб, дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муомала, муросаю мадора қилиш хусусида тадбир ва кенгашларни қўлладим...

— Олампаноҳ! Бизга маълумки, Сиз ўз фаолиятингизда машваратдан кенг фойдаландингиз. Сиз фойдали маслаҳатлардан энг тўғриларини танлаб олишга қандай қилиб эришдингиз? Сизни биринчи маслаҳатчингиз ким бўлган?

— Пирим Зайнуддин Абубакр Тойбодий менга ёзмишларким... Бу мактуб менга йўл бошловчи янглиғ раҳнамолик қилди. У менга салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англатди...

— Мовароуннаҳрни унлаб ва юзлаб йиллар давомида ўзаро зиддиятлар ич-ичидан емирди. Ўзаро урушлар натижасида шаҳарлар вайрон бўлди.

Хон ва амирлар ҳокимият ва бойлик талашиб, бир-бирларининг устига от солдилар. Натижада юртда тартиб бўлмади, одамлар бекордан-бекорга қирилиб, жиноят авж олди...

— Мен Мовароуннаҳрни ўзаро уруш — талашлардан холи этдим... Ҳар томонга барлос улусининг номи ва донги тарқалди. Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим... Хайр — эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим...

— Сиз барпо этган давлат ниҳоятда улкан эди. Уни бошқариш учун мамлакатнинг қай бурчида нима воқеа содир бўлаётганини билиш ва мамлакат миқёсида фикрлаш керак бўларди. Бундай муаммоларнинг ечимини қандай топдингиз?

— Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сиёсий раият кайфиятини, туриш-турмушини, қилиш-у қилмишларини, ўрталаридаги алоқаларни хатга битиб, менга билдириб туришлари учун диёнатли, тўғри ёзувчи кишиларни белгиладим. Бордию эгри ёзганлари менга билдирилса, уларни жазоладим...

— Бугунги кунда Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримовнинг раҳбарлиги остида бир жамоада мустаҳкам жипслашишган. Сиз Мовароуннаҳрдек катта давлатни бошқарган даврингизда ҳам унда кўплаб қабила ва табақалар бор эди. Уша вақтлари ўзаро зиддиятлар тугилмаслиги учун нималарга алоҳида эътибор бергансиз?

— Турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва хизматимга кирган кишиларнинг уруғларига иззат-ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим.

Узоқ йиллар давом этган коммунистик яккаҳокимлик бозор муносабатлари билан алмашди. Ҳукуматимиз жамият аҳолисининг барча табақалари: талаба, нафақадор, серфарзанд оилаларига катта эътибор бермоқда.

Шунингдек, Сизнинг давлатингизда ҳам буюк соҳибқирон, турмуш шароити, хулқ-атвори, қизиқишлари турлича бўлган ун минглаб кишилар истиқомат қилишган. Сиз қандай қилиб уларнинг кўнглига йўл топиб, барчаларини шаҳар, мачит, саройлар қуриш, ариқлар қазиш каби бунёдкорлик ишларига жалб этдингиз?

— Ҳар кимни туриш-турмушининг пасту баландларида турли йўллар билан синаб билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим... Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим...

— Бошқа республикалардан фарқли уларок Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик ва тартиб-интизом сақланган. Бу — мамлакатимиз иқтисодий аҳволинидимки... агар касбу ҳунар ва маърифат аҳлларидан бўлсалар, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин...

— Одатда каттадан-катта молу-мулкларга эга бўлган улуғ ҳукмдорга доимо унинг яқин дўсти бўлишга орзуманд бўлганлар кўплаб топилади. Сиз ўзингизга фикрдош кишиларни қандай танладингиз?

—Содиқ ва вафодор дўст ўлким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманларини ўз ёви деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди...

— Буюк саркарда! Давлатни бошқариш — энг қийин санъатдир. Сиз одамларни чинакамига синаб кўриш имкониятларига эга бўлгансиз. Ишонмайдиган дўстларингиз ёки ҳурмат қиладиган душманларингиз ҳам бўлганми?

— Ўз тажрибамда кўрдимки, ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан...

— Замондошларингизнинг ҳикоя қилишларича, Сиз кун давомида кўп ишлар қилишга улгураркансиз. Шунча ишларни бажаришга Сиз қандай қилиб улгургансиз?

— Бугунги ишни эртага қолдирмадим. Юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулойимлик қилдим, қаттиққўллик ишлатиш вақти келса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак жойда шошилмадим, шошилинч ишларни кечиктирмадим...

— Тарихдан маълумки, кўплаб подшолар ўз фуқароларига ҳаддан зиёд кўп солиқлар солишган. Сиз мамлакатингизда яшовчи халқлар учун солиқлар хажмини камайтирдингиз. Не сабабдан шундай йўл тутдингиз?

— Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағалланишига олиб келади.

— Сиз ҳукмронлик қилган йилларда айниқса мевазору ўтлоқларнинг ҳажми ошиб, бутун Туркистон бамисоли бустонга айланиб кетди. Мамлакатда сув танқислигига қарамасдан шаҳар ва қишлоқлар кўкаламзорлаштирилди. Кўплаб боғ ва гулзорлар пайдо бўлди...

— Амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўпайтирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар.

— Шундай ҳоллар бўлиши ҳам мумкин: Одамлар сидқидилдан ишлаш, ўзлари яшаётган жойларни обод қилишни хоҳлашади. Ҳаммага маъқул бўладиган истеъмол моллари ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни исташади. Аммо бунинг учун уларда моддий шароит йўқ. Шундай ҳолларда қандай йўл тутдингиз?

— Амр этдимки, хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин... Хароб бўлиб ётган ерларда кориз лар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўприклар қурсинлар, йўл устида ҳар манзилга работлар қурсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир неча одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини ғафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларини вазифаси ҳам ушаларнинг зиммасида бўлсин...

— Буюк саркарда! Сиз ҳар вақт ўз сўзингизда турган мард киши бўлгансиз. Сизнинг сўз ва ишингиз бир бўлган. Сиз қурдирган йўл ва ариқлар Мовароуннаҳрга янгитдан ҳаёт бахш этди. Маҳаллий халқлар тинч, фаровон яшай бошладилар. Сиз барпо қилган шаҳар ва саройлар мухташамлиги билан ер юзининг турли жойларидан келган юзлаб, минглаб кишиларни ҳозиргача ҳайратга солиб келмоқда.

Бугун 660 йиллик тўйингиз арафасида Сизнинг муборак номингизни Самарқанд, Тошкент, Париж ва жаҳон маданиятининг улкан марказлари бўлмиш кўплаб шаҳарларда катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишмоқда.

Биз мустақил Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ёш авлод Сизнинг васиятларингизни бажаришга ва Сиздек буюк бобомизнинг муносиб ворислари бўлишга ваъда берамиз.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Моможоним – офтобим.

МАШАҚҚАТСИЗ ЛАЗЗАТ ЙЎҚ

Суҳбатдош ҳақида икки оғиз гап. Эркин Қурбонов, Ш. Рашидов номли Шурчи дон маҳсулотлари комбинати директори. Самарқанд архитектура-қурилиш институтининг иқтисод факультетини тугаллаган. Пайвандчи уста бўлиб ишлаган ва корхона ишларининг миридан-сиригача билади, десак лоф бўлмас. 1994 йилдан буён Сурхондарёдаги йирик корхонага раҳбарлик қилиб келаётир. Комбинат қошида ташкил этилган «Тегирмончи» футбол командасининг президенти.

— Футболдан ташқари яна бир нарсага қизиқаман, дейди у. — Бу қушиқ ҳамда рақс. Беҳудага жамоамизда концерт гуруҳини ташкил этганимиз йўқ. Ишчиларимиз бўш вақтларида мириқиб қушиқ тинглайдилар, рақс тамоша қиладилар.

— Бошқа айрим туманларга қараганда Шурчида саноатнинг ривожи анча юқори кўринади...

— Президентимиз Ислом Каримов саноатни қишлоққа олиб кириш хусусида доимо қуйинчаклик билан гапирадилар. Бизнинг туманимизда бу масалага катта эътибор билан қаралаётир. Кейинги тўрт-беш йил ичида уч-тўртта катта ва йирматадан ошиқ кичик корхоналар вужудга келди. Пойафзал, ипакчилик фабрикалари, нон ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мен сизга айтсам бу бунёдкорлик ишларида ёшлар кўп куч-қувват ва меҳнат сарфладилар.

—Комбинатдаги ютуқларга доир айрим рақамларни тилга олиб ўтсангиз.

— Корхонамизда меҳнат қилаётган 1050 нафар кишининг 70 фоизини ёшлар ташкил этади. Ёшларнинг фидойилиги туфайли бир кечакундузда уч юз-тўрт юз тонналаб ун тайёрланаётир. Бундан ташқари омухта ем ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. 1995 йилда 120 миллион сум даромад олдик. Бу йил эса 200 миллион сум даромад олишни мўлжаллаб турибмиз. 1996 йилнинг дастлабки олти ойини фойда билан якунлаганимиз режамиз амалга ошишидан далолат бермоқда. Қувончли томони шундаки, ишчилар акцияларга эга бўлдилар. Эндиликда ҳиссадорларга дивидентлар бериш мўлжалланмоқда. Бу ибратли ишларда Омон Чутов, Бўрон Менгбоев, Ҳасан Нурматов, Жура Тожиев, Холбой Қурбонов каби ҳамкасбларим ташаббускорлик кўрсатишмоқда.

Тадбиркор, ишчан одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Фақат қўлидан иш келадиган ёшларга мадад берилса бас, тез фурсатда самарасини кўрсатади. Бизда ҳам бундай фидойилар кам эмас. Уларнинг кўмаги туфайли угра, макарон, тиббиёт спирти ишлаб чиқариш цехлари қисқа вақт ичида ишга туширилди.

— Сизни спорт ишқибози, дейишларида жон бўлса керак?

— Э, нимасини айтасиз? Футбол тамоша қилсам, завқим келаверади. Ҳар куни эрта тонгда спортнинг бир неча турлари билан шуғулланаман.

Энг муҳими, комбинатимизда спортга уқуви бор ёшларга эътиборни кучайтирдик. 1995 йилда «Тегирмончи» футбол командамиз Узбекистон биринчилиги беллашувларида кучли олтиликдан мустаҳкам ўрин олди. Бу йил эса футбол жамоамиз аъзолари олий лигада тўп суриш орзусида юришибди. Шунинг учун талантли футболчиларни тарбиялаяпмиз.

— Комбинатда кейинги йилларда қандай янгиликлар юз берди?

— Корхонамиз аҳли деярли ҳар тонгни янгиликлар, янги муваффақиятлар билан қарши олади, десам ҳам бўлаверади. Бугдойни иссиқ сувда ювишни Республикада биринчилардан бўлиб бизнинг жамоамиз бошлаб берган. Эндиликда катта тегирмонни Швейцариянинг «БЮЛЛЕР» фирмаси тайёрлаган ун янчиш ускуналари билан тўлиқ жиҳозлаш учун тайёргарлик кўряпмиз. Бу иш якунлангач, корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати янада яхшиланишига шубҳа йўқ.

— Жамоангизда ишлаётганлар шароитдан, ғамхўрликдан ниҳоятда хурсанд эканлар...

— Рост. Одамлар учун шароитни яхшиладик. Санаторий, болалар боғчаси, ҳаммом, турли маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ишчилар хизматида. Ишчиларимизга дам олиш учун турли санаторийларга йўлланма берилаётир. Бундан ташқари маданий хизмат кўрсатиш яхши ташкил этилган.

— Ёшларга муносабатингиз қандай?

— Ҳар йили мактаб парасида ўқиган ёшлар мустақил ҳаётга қадам қўядилар. Уларнинг бир қисми ўқув юртларига йўл олишади. Қолганчи?

Бугунги раҳбар масаланинг шу тарафини кўпроқ ўйлаши, янги иш ўринлари ташкил этиш учун қайғуриши зарур.Комбинатимизда ёшларнинг касб-ҳунар ўрганиши ва мустақил ишлаши учун имконият етарли.

Сухбатдош Жовли Хушбоқов.

1996 йил — Амир Темур йили

ОЛТИНИСАН ОЙ ЭЛНИНГ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Сурхондарё ҳудудида бундай топилмалар ҳар бир туманда учрайди. Нега биз бу тўғрида тўхталдик? Амир Темур замони миниатюраларига эътибор берсангиз, баковуллар ранг-баранг идиш-товоқларда овқат ташийдилар. Подшоҳ, мулозимлар, меҳмонлар олдиларига қўйилган идиш-товоқларнинг ҳаммасида қопқоқ бор. Бу — тозаликка ниҳоятда риоя қилинганини, овқатланиш пайтларида маданиятга етарли эътибор берилганини кўрсатади.

Шеробод туманидаги Сополлитепа ёдгорликлари қадимги бронза даври, эрамиздан аввалги 11 мингинчи йилларга бориб тақалади. Қадимий бу шаҳарнинг тузилиши, ҳовли ва уйларнинг режа асосида бир текис жойлашганлиги, аҳолининг сопол қувурлардан фойдаланганлиги, истеҳкомнинг мудофааси жуда моҳирона қурилганлиги, уй-рўзғор буюларининг сифатли ва таъбга қараб ясалганлиги, ҳар бири ўз ўрнида ишлатилганлиги — буларнинг ҳаммаси бундан тўрт минг йил олдин ҳам бу ерда илм-фан, маданиятнинг юксак ривожланганлигидан дарак беради.

Уша пайтларда воҳада ипакчилик, пахтачилик ривож топган, қазиш пайтида топилган кийимкечаклар ипак Хитойдан, пахта Америкадан олиб келинган деган тахминларни инкор этади.

Жарқўтон ёдгорлиги топилмалари ҳам биз учун ниҳоятда қимматлидир. Улар эрамиздан 1,5 минг йил аввал бу ерда яшаб ўтган аждодларимиз ҳаётидан гувоҳлик беради. Уша пайтларда марҳума аёллар худди она қорнида ётган ҳолда чап биқинлари билан қабрга қўйилган. Бошлари шимолга қаратилган. 30 ёшли аёлнинг қабри очилганда, бўйнида тумор, қулоғида олтин исирга бўлган. Ёнида идиш-товоқлар, урчиқ, ойна қўйилган.

Ўмуман олганда, Шерободнинг кўҳна тарихи ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Аммо асосий мавзу сўзимизни шу ерда якунлашни тақозо этади. Дарвоқе биз Буё мавзеси ҳақида фикр юритмоқчи эдик.

Шу ўринда бир мулоҳаза: менинг барча қайдларим, фикрларим, кузатишларимни бир ўқувчининг кундаликлари деб билишларини истайман. Негаки, мен бу ёзмалар орқали ҳеч қанақа илмий изланишлар олиб бораётганим ёки нималаргадир даъвогарлик қилаётганим йўқ. Ўз юрти, Ватани, аждодлари ҳақида ҳикоя қилиш, сўзлаш, олис тарих нурларини қалбларга ҳадя этиш эзгу бир мақсад, холос.

Мавзуга қайтадиган бўлсак, нима учун бошқадан эмас, айнан Омонулла Буриевдан Буё мавзесининг қаердалигини сурамоқчи бўлганимнинг боиси, у киши Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобининг таржимонидир. Китоб «Камалак» нашриётида 1994 йилда чоп этилган. Унда Амир Темурнинг 1360 — 1370 йилларда Мовароуннаҳрни чингизийлар асоратидан озод этиш йўлида олиб борган узоқ кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Албатта, олим таржима жараёнида жой номлари билан қизиққан бўлиши керак.

Буё мавзесининг қаерда бўлганлиги тўғрисида Термиз Давлат университети профессори Олтин Мансуровдан сураганимда, домла: «Шеробод туманида бўлиши керак», деган эдилар.

Автобусда Омонулла Буриев экспедициянинг матбуот бўйича вакили М. Аҳмедов билан «Зафарнома» китоби бўйича Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ воқеаларнинг йиллари, бўлиб ўтган жойлари хусусида мунозарага берилишганди. Имконияти келганда, мен Буё мавзеси ҳақида сурадим. Омонулла ака камтар, тўғрисўз одам. Лўнда жавоб қилди: — «Буғ қишлоғи ўрнида!» Ортиқча сўзга ўрин йўқ эди. Менимча, Буғ сўзи кейинчалик хато ёзилгандир. Чунки тарихий китобларда бундай хатолар кўп учрайди. Лекин хоҳ Буғ бўлсин ёки Буё, бир ҳақиқат аён: кириш сўзимизда «Зафарнома»дан олинган кўчирмага қайта кўз югуртирайлик: «Соҳибқирон Термиздан уч фарсах наридаги Буё мавзесига келиб қўнди».

Амир Темур қаерга борсин, улуғларнинг олдига кириб ўтган, улардан маслаҳатлар олган; ўтганларнинг қабрларини эса зиёрат қилган.

Термиздан уч фарсах нарида кимнинг абадий нурли макони мавжуд? Албатта, Хожа Аби Исо ат Термизийнинг мақбараси! Буни ҳамма яхши билади. Амир Темурнинг бу ерга келганлиги ва улуғ зотнинг қабрини зиёрат қилиб, руҳларидан мадад сураганлари инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Чунки худди шу йилларда Амир Темур юрт озодлиги учун катта курашга кирган эди.

5. ХОЖА АБУ ИСО АТ - ТЕРМИЗИЙ

Бу зот Ҳижрий 210, милодий 825 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Буғ қишлоғида туғилган. Шу ерда хат-савод чиқарган. Кейинчалик Термизга келиб, ўқишни давом эттиради. Бу пайтда Термиз мусулмон оламининг йирик илм-фан, савдо шаҳарларидан бири эди. Абу Исо 26 ёшидан Бухоро, Марв, Макка, Мадина, Ироқ ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларида таҳсил олади.

Бухорода Имом ал — Бухорийга шогирд тушади.

Имом Термизий бу йилларда ҳадислар тўплайди, уларни сабр-бардош, тоқат билан синчиклаб ўрганади.

Ислом оламининг етти ҳадисчисидан уч нафари Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Самарқандийлардир. Биз улуғ алломаларимиз билан фахрланса арзийди.

Имом Термизий ҳадисларни тадқиқ этиб, машҳур «Ал Жомеъ ас-Саҳиҳ» ёки «Сунони Термизий» асарини ёзади. Мазкур китоб Қуръони Каримдан сўнг муътабар саналган олтита «Саҳиҳ»нинг биридир.

Имом Термизийни фақат ҳадисчи олим десак хато қиламиз. У фаннинг турли тармоқларига оид ўнлаб асарлар яратди. Биз ўқувчиларга маълум бўлиши учун улардан айримларини келтирамиз.

1. «Китоб аш-Шамоил ан-Набавия» («Пайғамбарнинг хислатлари»).
2. «Китоб Ал-Илал фил-ҳадийс» («Иллатлар ёки оғишлар китоби»)
3. «Рисоли Фи-л-ҳилаф ва-л-жазал» («Келишмовчилик ва диалеткика бўйича тракт»).
4. «Ат-тарих» («Тарих»).
5. «Китоб аз-зуҳд» («Диёнат тўғрисида китоб»).
6. «Асма ус-Саҳоба» («Пайғамбар сафдошлари исми»).
7. «Ал-Асма ва ул-Куна» («Ровийларнинг исми ва тахаллуси ҳақида»).
8. «Китоб ал-Осор ал-Мафкуфа» («Айрим нақллар тўғрисида китоб»).

Имом Термизий серқирра олим, ноёб қобилият эгаси, юксак аҳлоқий ва инсоний фазилатларга эга бўлган инсон эди, у кишиларни илм олишга, яхшиликка, эзгуликка чорларди. Айтишларича, қишлоғида мадраса очиб, болаларни бепул ўқитган, инсонларга илм ўлашишни савоб деб тушунган.

Абу Исо ат-Термизий ҳижрий 279 йили ражаб ойининг 13-куни, милодий 892 йилнинг 9 октябрида 70 ёшида Буғ қишлоғида вафот этади.

1990 йилда ҳукуматимиз маблағи билан унинг мақбараси қайта таъмирланди: куз ойида эса 1200 йиллик тўйи кенг нишонланди.

Тўлқин ҲАЙИТ

(Давоми кейинги сонларда).

Дастурхон тўкинлиги учун

ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШ ОСОНМИ?

Қизилқумда гоҳ қизил, гоҳ сап-сариқ, гоҳ эса кулранг, устида ётиб ухлагинг келадиган юмшоқ қум учратасиз. Кулранг қумни шамол қутариб, кейин «ёгдиради». Натижада, сиз кечагина текис курган жой туя уркачларидек барханлар билан қопланиб ётган булади. Йул гоҳ баланд, гоҳ урама... танобини тортиш қийин кечади. Йул чеккаларида эса жулгунзор. Сал нарида новча, лекин бақувват усимликлар кум-кук. Бу саксовулнинг эгрисини фақат олов «тўгрилайди». Биз бироз чалгидикми? Йуқ, аксинча Қизилқум сахролари борасида тасаввур бердик, холос. Йулдан эса кимлар ва нималар утмайди, дейсиз...

Қумзор узра тортилган қора чизиқдан иргалиб-иргалиб юк мошини кетаётир. Жиққа терга ботган ҳайдовчи даструмолини пешонага ҳуллаб босганча, ёнида мудраб бораётган икки шеригига қараб-қараб қайсидир қушиқни хиргойи қилиб олис манзилга кетмоқда. Юкхона устига ёпинчиқ (брезент) уралган ва ундабунда ола-була тарвузлар кўриниб турибди.

Автобус тухтади, шу он юк мошини ҳам яқинимизда макон тутди. Фурсатдан фойдаланиб юк ортмоғлаб узоқ сафарга отланган йигитлар билан танишдик.

Қурбон Асроров ва Шовқиддин Очиловлар Қашқадарё вилоятининг Косон туманидан. Деҳқончилик сирасрорларидан бохабар. Кунинг беаёв тиғидан мошин қанотлари остига бекиндик, ҳайдовчи мошинни тузатиш билан овора...

— Йигитлар, бунча юкни қай томонларга элтмоқдасиз?

— Иккинчи йилдирки, узимиз ижарага олган бир гектарлик майдонда етиштирилган тарвузни Зарафшон шаҳрига келтириб сотамиз. «Урганган кунгил ўртаниб», 20 минг сумга шу мошинни кира қилдиг-у, 10 тонна Қашқа воҳаси тарвузини нон-насиба қилиб бу томонларга келяпмиз.

— Тарвуздан ташқари яна нима экасиз?

— Қовун ва сабзавотлар....

— Қовун билан тарвуз икки хил ерга экилиши керак, дейишади, шу тўгрими?

— Тарвуз учун доимо сув керак. Лекин, ер шўрҳокроқ ва намгарчилик кўп булса, тарвузни икки марта суғорсангиз, яхши ҳосил беради. Аммо, қовун фақат шўрҳоқ жойда ширин булади.

— Тарвузни ёки қовунни шу чўл шароитида ҳам етиштириш имкониятлари борми?

— Бор , албатта, масалан, саксовулнинг ёки жулгун, ёки янтоқми, шувоқми томири кавлаб очилади. Чулдаги ҳар қандай усимликнинг тагида нами булади. Шу нам жойлар очилиб, иложи борича усимликнинг томири кесилиб, бутунлай эмас, балки қобиғи арчилиб уруг ташланади ва юпқагина кумилади, тамом. Агар янтоқ томирининг ўртаси тешилиб, сунг уруг шу тешикка қўйилиб, беркитилса, яна яхши. Шу тарифқа чулда ҳам тарвуз-қовун ейиш мумкин.

— Нега энди, айнан Зарафшонга келтирасиз, бошқа бозорларда маҳсулот кетмайдими?

— Кетади, бироқ, ҳамма сарф-ҳаражатни қопламайдида.

— Шу тарвуз учун қанча ҳаражат қилдинглар?

— Ерни ҳайдатдик. Ер солиғи тўладик. 5-6 ойдан буён маош олишимиз, яъни меҳнат ҳақимиз ҳам шу тарвуз ҳисобидан булиши керак. Киракашга 20 минг берсак...

— Деҳқончиликдан ташқари, бирор буш вақт булади-ми?

— Булади, ойнаи жаҳон қараймиз. Дустлар билан гурунглашамиз...

— Дустларинг борми, узларинг ҳам кимгадир ҳақиқий дустмисиз?

— Дуст одамда ё битта, ё иккита булади. Айтмоқчиманки, ҳақийқийси. Аммо, нонга, ошга, пулга дустлар кўп. Мана иккаламиз ҳақийқий дуст, бир-биримиздан жонни ҳам, пулни ҳам аямаймиз.

— Китоб-дустимиз дейишади...

— Китобга тўгриси мактабда уқиган кезларимиз унча хуш йуқ эди. Синфхонаўйингоҳ, ўйингоҳ-уй йуналишида уқиб мактабни тугаллаб қўйибмиз, энди Зарафшондаги тинмай уқиган одамлар билан танишиб, қолаверса бирикки рўмонларни ҳижжалаб уқиб, уқишга иштиёқ уйғонди. Худо хоҳласа, бир умр тарвуз-қовун етиштирадиган деҳқон булиб қолмаймиз. Лекин, тарвуз-қовунни етиштиришдан ҳам воз кечмаймиз.

— Юкни Зарафшондаги қайси бозорга тушурасизлар?

— «Зарафшон» деҳқон бозори, дейишади. Авто шоҳбекат ёнида. «Навруз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг бозори ҳам, деб аталади. Шу манзилга олиб борамиз. Бу йил ҳисобидан учинчи қатновимиз. Илгари ҳам тарвуз сотиб келдик. Бозор жуда обод булмасада, энди-энди шаклланяпти. Ёнида катта тижорат бозори очилган, бутун шаҳар «Навруз»дан ҳарид қилади.

— Айтинг-чи? Бу сафар фойдани қанча мулжалладингиз?

— Эй, Худо билади. Баъзи тахминларимиз бор, бироқ ҳозирча номаълум.

Ҳайдовчи биз билан суҳбатлашишни истамади. Мени тинч қуйинглар, дейишга ухшаш қул силтаб Қурбон билан Шовқиддинни мошинга имлади. Оғир юк мошини тутаб ўрнидан қузғалди. Чулда автобус ва унинг йуловчилари қолдик. Биз шунчаки, сафарга боряпмиз, деҳқон болалар эса Зарафшон аҳли дастурҳонини тўкин қилиш учун Косондан йул азобини тортиб бормоқдалар. Зарафшонда иетиқомат қилувчилар тарвузни харид қилиб «Косон бизга бир қадам» деб айтишса бежиз эмас. Лекин, деҳқон болалар «Зарафшон бизга бир қадам» — дейишмади, чунки улар узларидан утганини ўзи билади...

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири,
Навоий вилояти.





Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида файзли масканларда, тароватли истироҳат боғларида қадрдон дўстлар даврасида мириқиб ҳордиқ чиқаришга не етсин!

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ҲАМ ШИФОКОР, ҲАМ ТАБИБ...

Элликқалъалик малакали врач Бахтиёр Жабборов халқ табобати имкониятларидан фойдаланган ҳолда унлаб беморларни дарддан фориғ этмоқда.

Бахтиёрнинг таржимаи ҳоли тўғрисида мухтасаргина тўхтаб ўтиш кифоя. Тўрткул туманининг Гулдурсун овули (ҳозирги Элликқалъа тумани ҳудуди)да туғилиб-ўсди. Ўрта мактабни тугатгач, Ўрта Осиё болалар тиббиёти олийгоҳини битирди. Врачлик шаҳодатномасини олгач, ўз элига, янги ташкил топган Элликқалъа туманига қайтди. Қисқа вақт мобайнида тажриба орттирди, туман марказий касалхонаси бош врачи ўринбосари лавозимигача кўтарилди. Бахтиёр бажарган қатор операциялар, Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларида кўплаб болаларни оғир асоратли хасталиклардан олиб қолгани, қўйган нодир ташҳислари тилдан тилга, элдан элга кўчиб юрибди. Улар тўғрисида тўхталиб ўтирмайлик-да, шифокор фаолиятининг яна бир қиррасига таъриф беришга ҳаракат қилайлик!

Бизда «ватанпарвар» деган сўз бор. Афсуски, бу сўз таомилда кўп ишлатилганидан кўпинча баландпарвоз оҳанг касб этади. Айни пайтда орамизда чинакам ватанпарвар, элнинг дардига ярайдиган, юрт юкини елкасига олган одамлар кўп. Шундай инсонлардан бири ҳам шифокор, ҳам табиб Бахтиёр Жабборовдир.

Орол ҳалокати бу ҳудуддаги ҳаво, сув, тупроққа катта зиён етказиб, одамлар орасида турли хасталикларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, Оролбуйи аҳолиси орасида инсон танасидаги бўғимларда туз йиғилиши жуда кўп учрамоқда. Ичимлик сув орқали организмга тушган тузлар буйрак, ошқозон, ичак ва бошқа аъзоларга кўпроқ заҳмат етказаётир.

Бахтиёр Жабборов 7 йилдирки, инсон организмидаги тузларга қарши ҳам замонавий тиббиёт, ҳам халқ табобати йули билан курашиб келади. Айниқса, унинг мануал терапия (уқалаш) услуби бу йуналишда яхши самара бермоқда. Шифокор шу пайттача 500 нафардан ортиқ беморни шу йул билан даволади. Улар орасида хорижликлар, шу жумладан, туркиялик тижоратчилар бор.

Бахтиёрнинг иш фаолиятида жуда муҳим жиҳат бўлиб, бу ҳақда тўхтолмаслик мумкин эмас. У беморларни асосан доривор гиёҳлар воситасида даволайди. Б. Жабборовнинг томорқасида мойчечак, ялпиз, отқулоқ, тананамбурер ноки, ер қалампири каби қатор доривор усимликлар мавжуд.

Шифокор айни кунда Элликқалъа туманидаги «Боғеп» фермерлар уюшмаси ҳудудидаги қишлоқ шифокорлик анбулаториясини бошқармоқда. У беморларни узининг Ал-Хоразмий номидаги фермерлар уюшмасида жойлашган уйида ҳам қабул қилади. Бу мақсад учун 3 та махсус хона ажратган. Рафиқаси Гулнисо Ғафурова ҳамшира ихтисослигига эга ва унга яқиндан ёрдам бермоқда.

Элда дард ботмон-ботмон булиб киради-ю, миқдормиқдор булиб чиқади, деган гап бор. Фидойи шифокорларимиз халқ саломатлиги йулида сиқилдиган ишламоқдалар. Шундай ажойиб шифокорлардан бири Элликқалъа туманида яшайди. Йулингиз тушиб, Бахтиёр Жабборовнинг уйига борсангиз, у ерда тавозе билан кутиб олишади, олдингизга нон-туз, қайноқ чой, таом қўйишади, тург мучалингиз соғ эканидан қувонишади. Маболо, тананингизда дард бўлса, сизни ундан халос этишга уриниб кўришади!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Туркистон»нинг
Қорақалпоғистон
Республикаси бўйича ўз
мухбири.

Футбол олами

«НЕФТЧИ»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Қарийб бир ярим ой давом этган танаффусдан сўнг ниҳоят 11 август куни Узбекистон биринчилигининг иккинчи даврасига старт берилди. Навбатдаги XVI тур пешқадам жамоалар танаффусдан сўнг қай ҳолатда биринчиликнинг сўнгги қисмини бошлашади, ва умуман улар медаллар учун кураш олиб боришга тайёрми деган саволга жавоб қайтариши лозим эди. Хуллас, биринчи давра пешқадамларнинг ишлари жойида эканлигини кўрсатди. Дастлаб «Навбаҳор» ўз майдонида Самарқанднинг «Динамо» жамоасига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Ҳисоб 6:0. Сўнг «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари ўз рақиблари термезлик харбийлар ва Андижоннинг «Навруз» жамоаси устидан ғалаба қозондилар. «Косонсой» — «Суғдиёна» (3:1) ва «Атласчи» — «Машъал» учрашувлари (6:0) ҳам майдон эгалари ғалабаси билан якунланди. Лекин турнинг марказий учрашуви Бухорода «Нурафшон» ва МҲСК жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Икки жамоа медаллар учун асосий даъвогар бўлганликлари сабаб, унинг муросасиз кураш остида ўтиши кутилган эди. Устига устак бухороликларнинг Тошкентдаги мағлубияти уларни қандай бўлмасин ўз майдонларида ғалабага эришишга интилишлари маълум эди. Кутилганидек учрашув муросасиз кураш остида ўтди. Ҳисоб 1:1 Пешқадамлар турнир жадвалида ўз ўринларини сақлаб қолдилар.

Шу кунларда барча футбол мухлисларининг диққат эътибори Осиё чемпионлари кубоги мусобақаларига қаратилган эди. Унда учинчи бор иштирок этаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса ўз майдонида Тожикистон чемпиони Душанбенинг «Ситора» жамоасини қабул қилди. Учрашув кутилганидек Фарғоналиклар устунлигида ўтди. Биринчи дақиқалардан ташаббусни ўз қўлларига олган водий футболчилари 4:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларни эса икки бор Абдураҳмонов ҳамда Абдиев ва Андреевлар киритишди. Бироқ шу куни Лебедевнинг омади чопмади: у тепган пенальти тўпи эса дарвоза тўрига тушмади.

ШОҲСАНАМ КУЙЛАГАНДА...

Санъат бешигида ўргакланиб, улғаётган ёш хушовоз қўшиқчи, ажойиб раққоса, истеъдодли бастакор 12 ёшли Шоҳсанам Ҳолиқова ҳақида кўп ва хўп ёзишди... ва ёзишмоқда.

Ҳикоямизнинг қаҳрамони 249-мактабнинг 7-синфида таҳсил олади. Энг ҳайратланарлиси, сира тинмайди. Ҳали қарасангиз «Булбулча» болалар хорида устози Шермат Ёрматов билан, бир қарасангиз таниқли бастакор Алишер Икромов билан куй басталаётган ёки қўшиқ куйлаётган булади.

Онаси Дилором опа қизининг атрофида парвона.

— Катта бўлганида менга шароит яратиб бермагансизлар, дея уксинмаслиги учун қизимнинг қизиқишлари билан яшамоқдаман, — дейди Дилором опа.

— Узинг қўшиқ ижро этасан, куй яратасан, рақсга тушасан ва шулар билан бирга инглиз тилини ўрганмоқдасан, буларни бир вақтнинг ўзида олиб боришда қийналмайсанми, — дея мурожаат қиламан Шоҳсанамга.

— Йуқ, одам ҳаракат қилса ҳамма нарсага улгуради.

— Севимли қўшиғинг...

— Бу йил Амир Темур бобомизнинг 660 йиллиги муносабати билан «Бобожоним — осмоним» қўшиғимни яратдим. Бу қўшиқ кўпчиликка маъзур бўлди. «Ойижон» қўшиғимни доим севиб куйлайман.

— Ҳозир қайси қўшиқ устида иш олиб бораяпсан?

— Яқинда ойижонимнинг туғилган кунлари, уларга «сирли совға» тайёрлаяпман. Ҳали тугатганим йуқ.

— Шоҳсанам, ҳар бир ижодкор нимадандир илҳомланади, сен нимадан илҳомланасан?

— Мен буш вақтларимда Аҳмад Яссавий, Амир Темур каби боболаримизнинг буюк ҳикматларини ёдлайман. Ҳикматлардан кўп сўзларнинг маъзини чақиб олишга ҳаракат қиламан. Ижодимга ҳам шулар таъсир қилади десам янглишмайман.

Суҳбат шу ерга келганида узилди. Негаки, қаҳрамонимиз машғулотга борадиган пайти булиб қолган эди.

Шоҳсанамнинг ҳаракатларига эътибор берган одам унинг шижоатига, иродасига тан бермасдан илож йуқ, ундаги қобилият санъатнинг ҳар бир кўринишида ўзига яраша жило топмоқда.

Истеъдод — оддий нарсани ҳам санъатга айлантириши мумкин. Шоҳсанамдаги истеъдод бутун умри буйи санъатга хизмат қилишига тилакдошмиз.

Орзуларинг парвози юксак бўлсин, дея хайрлашдик.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,
ТошДД халқаро журналистика бўлимининг талабаси.

Газета саҳифаланаётганда

6800 ТА ЯНГИ ОИЛА

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён утган 5 йил мобайнида республиканинг энг йирик туманларидан бири-Амударёда шунча янги оила вужудга келди.

Улардан биринчиси, «Кооператор» кичик корхонасининг дуралгори Куролбой Айтенов ва 6-сон болалар боғчаси ҳамшираси Светлана Нурмагамбетованинг никоҳ туйи ва фуқаролик актларини қайд қилиш идорасида расмий рўйхатдан ўтиши айнан 1991 йилнинг 1 сентябрига тўғри келган эди.

— Бу галги мустақиллик кунида ҳам Манғит шаҳрида ва қишлоқларимизда шундай қувончли тўйлар ўтказилади,-дейди туман ҳокими муовини, туман хотин-қизлар кенгаши раиса, Узбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Хонимжон Ражабова-Шуниси эътирофга лойиқки, айни кунда оила қураётган ёшларимиз утган йили қурилган, замонавий Бахт уйида никоҳдан ўтмоқдалар!

(Ўз мухбиримиз).

Болаларнинг тили ширин

СУМКАНГИЗНИ ЎЗИМ КЎТАРАМАН

Ишдан чиқиб, уйига шошаётган она ўғилчасининг жажжи қўлларидан ушлаб, уни тезроқ юришга ундади. Беш яшар Дилшод эса тихирлик қилаверди.

— Вой ойижон, оёғим чарчади. Мени кўтаринг.

— Ўғлим, ўғил бола шундай бўладими, чарчайдими? Ахир сен кучли, ғайратли, ботир бўлмоқчисан-а? Уят бўлади-я.

Шундан сўнг Дилшод ойисига қулоқ солгандек яна индамай кетаверди. Бош пайт тагин:

— Ойи, боғчада кўпроқ ўйнаб қўйибман шекилли...

— Ҳа, яна нима ?

— Шунинг учун оёғим ростанам хориди, қаранг.

— Сени кўтара олмайман. Нега деганда қўлимдаги сумка жуда оғир.

— Майли, ойижон, оғир сумкани мен кўтараман. Беринг. мени эса сиз кўтариб оласиз. Бўпти-ми?

ШОКОЛАД ОБЕРСАНГИЗ...

— Ўғлим тур, боғчага кеч қолдинг, - деди ойиси эрталаб ўғлига. Лекин Ғайратжоннинг ҳеч тургиси, кузини очгиси келмади. Шунда унинг миясига бир фикр келди.

Ҳар куни дик этиб ўрнидан туриб юз-қўлини ювиб опаси, дадасига салом берадиган Ғайратжон бугун бўткул ўзгарганди. Бунинг сабабини билолмай ойижониси ҳам ҳайрон.

— Тур, турақол, энди — деди ойиси яна. Кўзларини чирт юмиб олган Ғайратжон ҳамон режа тузарди.

Ниҳоят:

— Ойижон, сизга бир гап айтаман, шартимни бажарсангиз, кўзларимни дарров очаман, ўрнимдан тураман.

— Вой, шумтака нима экан, шартинг?

— Ойи, шоколод ва машина обер-санг-из ўрнимдан туриб, кўзимни очаман, - деди ўғли.

«ОПЕЛ»ДА ОЛИБ ЮРАМАН

Беҳзод ойиси билан автобус бекатида узоқ туриб қолишди. Автобуслар лиқ тўла. Учраси ҳамма-низ тўхтамасдан ўтиб кетишди. Ойиси эса роса безовта бўла бошлади. Пиёда кетай деса уйлари анча узоқ. Буни сезиб турган Беҳзоднинг ойижонисига жуда-жуда раҳми келди. Автобусларнинг ортидан қараб қолган ойисининг кайфияти тушиб бекатда ўтириб қолди. Ўғли ойиси олдига келиб;

— Ойижон, сиз кўп қисинманг. Ҳали катта бўлсам, сизни «Опел»да ишга олиб бораман, ишдан олиб қайтаман. Худо хоҳласа ўз машинам бўлади. Ўшанда автобусчи амаки қариб қолади. Сизни «Опел»да олиб юрганимни кўриб, бир ҳайрон бўлсин. Биз ҳам автобусчи амакини миндирмаймиз, хўпми?

Дилбар БЕКЖОНОВА.

22 сентябрь 1996 йил. «Узбек Наво» гастрол-концерт бирлашмаси, Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳузуридаги «Мўтти» қизиқчилар театри

Соат 19.00 да

«ТУРКИСТОН»

ёзги театрида

ҮЧЛИК ШОҲ

Кулгу Қўшиқ Кураш

Узбекистон Ёшлар мукофоти совриндори Кулгу устаси — киноактёр

ШЕРАЛИ ҲОЖИЕВ

ва

«МЎТТИ» қизиқчилар театри

Хушовоз хонанда

САЛОҲИДДИН АЗИЗБОЕВ

ва

«АСЛ» *гуруҳи*

Узбекистон полвонларининг чиқишлари

АБДУҚОДИР ПИРМАТОВ

РУСТАМ ЭРГАШЕВ

УРОЛ ТУРАЕВ

ҳамда Узбекистон Халқ артисти

ЭРГАШ КАРИМОВ

РОЗА КАРИМОВА

АБДУРАШИД ЖУРАЕВ

УБАЙДУЛЛА ҚУЧҚОРОВ

Дастурни: Узбекистонда хизмат кўрсатган артист ЭРКИН КОМИЛОВ олиб боради

КУЛГУ-ҚЎШИҚ-КУРАШ ОҚШОМИГА МАРҲАМАТ!

Чипталар Сарой кассаларида сотилмоқда.

Касса: соат 10.00 дан 18.00 гача очиқ.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ, навбатчи: Гулнора ХОЛБЕКОВА

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58;
хатлар булими — 36-54-64;
тижорат булими — 33-79-69; ижодкор ишлар булими — 36-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик булими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кучаси, 32—уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар **фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши** мумкин.

Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —— 0435
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми —— 2 табоқ. Тираж — 8913.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00

1 2 3 4 5 6